

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 14 декабрь
сешанба
№ 50 (1306)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 so, at siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

ОБУНА БЎЛИНГ: "Инсон ва қонун" газетаси — адлия тизими ходимлари ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини англашга интилувчиларнинг нашри

ОБУНА — 2022 ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"Инсон ва қонун"га обуна бўлинг. Обуна почта ва матбуот тарқатувчи идоралари ҳамда "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази шартномалари орқали тўғридан-тўғри амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир адлия ходимининг ўзи шахсий намуна кўрсатади, деб умид қиламиз.

Обуна учун масъул бўлим: (97) 430-19-69
(90) 176-54-42



Янги йил олдидан билиб қўйинг дедик!

! Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи тақиқланади

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2021 йил 1 декабрдаги 724-сонли Ҳукумат қарорига мувофиқ, хавфлиликнинг II классига тегишли машиий пиротехника буюмларининг жисмоний ва юридик шахслар томонидан муомаласи тақиқланади.

Техник ва махсус мақсаддаги пиротехника буюмлари Президент ёки Ҳукумат қарорларига мувофиқ оммавий тадбирларда лицензияга эга юридик шахслар томонидан олиб кирилиши мумкин.

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи билан шугулланганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш бўйича комплекс чоралар курилади.



ФИРИБГАРЛИК-КУ МАЪЛУМ ТУШУНЧА, РАҚАМЛИ ФИРИБГАРЛИК НИМАСИ?

3-БЕТ



ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИДА ШУНДАЙ ҒАЛАТИ ҚОНУНЛАР БОР ЭКАН... БИЛАСИЗМИ?

6-БЕТ

УЙ-ЖОЙГА МУҲТОЖ ХОТИН-КИЗЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

2-БЕТ



БУҒДОЙ ДОНИ ИЧИГА ДУНЁНИ СИҒДИРСА БЎЛАРКАН

7-БЕТ



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ЛАВОЗИМИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛМАГАНЛАР ҲАМ ИШЛАШИ МУМКИН

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2022 йил 1 январдан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилади.

Мазкур лавозимга:

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларидаги кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлим (шуба) бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишловчи раҳбар ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбар ходимлари тайинланади;
- номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади;
- тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритмаётган ходимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Фармон билан қуйидагилар ташкил этилди:

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари;
- туман (шаҳар) ҳокимликлари таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари.

Агентлик директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади. Фармонга кўра, “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўрак нишони таъсис этилди.

Ушбу кўрак нишони билан ҳоким ёрдамчиси лавозимга тайинланган ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган шахслар тақдирланади.

Фармон билан шунингдек, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш такомиллаштирилади

Апостиль атамаси французча сўз бўлиб, “apostille” — расмий ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Гаага Конвенциясига қўшилган давлатлар томонидан мазкур Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга қўйиладиган махсус стикердир.

Ҳукуматнинг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сонли қарори билан тасдиқланган Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентига кўра, расмий ҳужжатга апостиль қўйиш, мурожаат этувчининг ўз хоҳишига кўра, анъанавий ёки электрон тарзда амалга оширилади.

Мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун ДХМга ўзи келиб ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда электрон тарзда мурожаат этади.

Сўровнома тўлдирилиб, уни қўриб чиқиш учун тегишлича йғим ундирилади:

- таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича — БҲМнинг 20 фоизи миқдорига;
- адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича — БҲМнинг 20 фоизи миқдорига;

- бошқа ҳужжатлар бўйича — БҲМнинг 10 фоизи миқдорига.

ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Сўровнома расмий ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 иш кунини ичида қўриб чиқилади.

Қуйидагиларга апостиль қўйилмайди:

- чет элда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан содир этилган расмий ҳужжатларга;
- тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган расмий ҳужжатларга;
- Ўзбекистон фуқаролик паспортига, идентификация ID-картасига, ҳарбий билетга.

Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш билан боғлиқ барча жараёнлар “E-App” ва “E-register” дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, қуйидаги ҳолларда апостиль қўйиш рад этилади:

- расмий ҳужжатда зарур рекузитларнинг ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлмаса ёки мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланса;
- расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахс уни имзолаш ваколатига эга бўлмаса.

Мазкур тартиб 2022 йил 1 мартдан амалга киритилади.



УЙ-ЖОЙГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Ҳукуматнинг 2021 йил 6 декабрдаги 737-сонли қарори билан тасдиқланган “Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида”-ги Низомга кўра, уй-жой шароитини яхшилаш истагида бўлган уй-жой муҳтож хотин-қизлар ўзини ўзи бошқариш органи ёки туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига сўровнома-ариза билан мурожаат қилади.

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга қўмаклашиш комиссияси ҳар чорақда (чорак биринчи ойнинг 15-кунига) хотин-қизларнинг уй-жойга эҳтиёжмандлик даражасини ўрганиб чиқади.

Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинган, қўпи билан 30 кундан ошмаган муддат ичида ижтимоий уй-жойларга ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштирилади.

Бунда:

- уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредити бўйича уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдорига бошланғич бадал тўлаб берилади;
- туман (шаҳар) ҳокимлиги комиссия қарори қабул қилинган кундан сўнг 20 кун ичида ижтимоий уй-жойга жойлаштириладиган хотин-қизлар билан ижара шартномасини тузади (қўпи билан 5 йил муддатга);
- ижара шартномаси тузилгандан кейин 5 кун ичида ижтимоий уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади;
- далолатнома тузилган, уй-жойга муҳтож хотин-қизлар 5 кун ичида ижтимоий уй-жойга жойлаштирилади.


Ижтимоий уй-жойлар муниципал мулк ҳуқуқи асосида туман (шаҳар) ҳокимлигига тегишли бўлади ва улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар, кекса ёшдаги ва ўзи ҳаракатлана олмайдиган шахслар устувор равишда кўп квартирали уйлarning биринчи қаватидаги ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилади.

Ижтимоий уй-жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи уй-жой умумий майдонидан келиб чиқиб унинг 1 квадрат метри учун:

- Тошкент шаҳрида 1 йилга БҲМнинг 2 фоизи;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 1 фоизи миқдорига белгиланади.

Ижара шартномасида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳар ойда бир мартаба мониторинг олиб борилади.





Шахноза СОАТОВА,
Адлия вазирлиги масъул
ходими

Эҳтиёт бўлинг: рақамли фирибгарлар!

OLX.uz сайтига сотиш учун мебель кўйган эдим. Ярим соат ар-ўтмас телеграмдан "хадор" чиқди. Савдолашмади, мебелнинг бирон сифати тўғрисида сўрамади, фақат BTS-почта орқали мебелни жўнатиб юборишим кераклигини, йўлқирани ўзи тўлаб олиб қолишини айтди. Бунинг учун BTS-почта сайтига кириб, карта рақамимни киритиб, карта рақамингиз ва паролингизни сўрайди, киритасиз. Тамом! Танлаган молингиз келмагани етмаганидек, карта рақам ва паролингизни олган сайт ортида турган фирибгарлар ҳисобингизни ҳам "тозалаб" қўйишади.

Тавсия: ҳар доим бирон интернет дўкони сайтига кирганингизда, унинг ҳақиқийлигини текшириб кўринг. Сайт кўриниши оригинали билан бир хил бўлади одатда, сизни чалғитиш учун. Сиз унинг домен манзилни текширинг, бирон ҳарф, белги фарқ қилиши керак. Одатда, https билан бошланадиган сайтлар оригинал, http билан бошланадиганлари сохта бўлиб чиқади, шунга ҳам эътибор беринг. Фарқни сездингизми, бўлди, чиқиб кетинг у сайтдан ва улардан огоҳлик чоралари ҳақида маълумот берамиз.




Интернет фирибгарлик

Унинг бир қанча кенг тарқалган турлари бор. Асосий белгиси: турли сайтлар, иловалар, сохта интернет дўконлар воситасида пулингизни ечиб олмоқчи бўлишади.

Фишинг, яъни қармоқ усули. Бу қандай ишлайди: Сиз ўзингиз билмаган ҳолда фирибгарларга карта рақамингиз ва паролингизни бериб қўясиз. Масалан, бирон интернет дўкондан маъий техника сотиб олмоқчисиз. Адашиб у дўконнинг сайтига эмас, худди унга ўхшаган нусхаланган сайтга кирасиз.

ФИРИБГАРЛИК-КУ МАЪЛУМ ТУШУНЧА, РАҚАМЛИ ФИРИБГАРЛИК НИМАСИ?



Товарни танлайсиз, сотиб олиш тугмасини босасиз, сайт сиздан худди ростакан интернет дўконлардаги каби карта рақамингиз ва паролингизни сўрайди, киритасиз. Тамом! Танлаган молингиз келмагани етмаганидек, карта рақам ва паролингизни олган сайт ортида турган фирибгарлар ҳисобингизни ҳам "тозалаб" қўйишади.

Тавсия: ҳар доим бирон интернет дўкони сайтига кирганингизда, унинг ҳақиқийлигини текшириб кўринг. Сайт кўриниши оригинали билан бир хил бўлади одатда, сизни чалғитиш учун. Сиз унинг домен манзилни текширинг, бирон ҳарф, белги фарқ қилиши керак. Одатда, https билан бошланадиган сайтлар оригинал, http билан бошланадиганлари сохта бўлиб чиқади, шунга ҳам эътибор беринг. Фарқни сездингизми, бўлди, чиқиб кетинг у сайтдан ва улардан огоҳлик чоралари ҳақида маълумот берамиз.

"Бепул пишлоқ" усули (албатта, у ерда қопқон бор)

Бу қандай ишлайди: кўпинча инсоннинг нафсига хужум қилади. Совға, бепул ё арзон буюмлар, хизматлар ваъда қилинади. Нафс етовига юрганда ақл ўчишини фирибгарлар яхши билишади-да. Фейсбукда минглаб одамларга юборилган "Нигериядан мактублар" бунга яққол мисол. Мактубда сизни бирон лотерея ғолиби дейишади ёки катта мерос пул қолдирилганини айтишади. У пулни ҳисобингизга ўтказиш учун депозитга маълум маблағ (албатта, ваъда қилинаётган ютуқ мерос суммасидан анча кам, бироқ барибир салмоқли) ўтказиш сўралади. Олайлик, 30 миллион доллар мерос қолди, олиш учун 300 доллар ўтказинг дейилади. Пул ўтказилгач, табиийки, хатни ёзганлар йўқолиб қолишади. Айрим фирибгарлар сизни онлайн лотереянинг ғолиби деб эълон қилишади ва ютуқ пулини олиш учун карта рақамингиз ва паролингизни ё телефонингизга келган СМС-кодни сўрашади.

Айтдингизми, тамом. Бир неча дақиқада ҳисобингизни бўшатиб, изсиз йўқолишади.

Тавсия: ҳеч қачон ҳеч кимга карта рақамингиз, парол ё СМС-кодни айтманг. Фақатгина текширилган, синалган порталларга (таниш етказма хизмати, тўлов иловаси) паролни киритиш мумкин. Паролларни киритишдан аввал ўша ресурсни яхшилаб ўрганинг, танишлардан суриштиринг. Кўрсатилган телефон рақамларига кўнгирик қилиб кўринг.

Интернетдан топилган иш учун тўлов

Бу қандай ишлайди: интернет сайтларда уйда ўтириб тез ва осон пул топиш тўғрисида эълон берилади. Масалан, таржимонлик, SMM, тармоқли маркетинг (савдо) ва ҳ.к. Фақат маълум маблағни депозитга қўйиш сўралади. Бу гирт қаллоблик. Иш учун пул сўралмайди, аксинча, пул тўланади. Олдиндан пул олиб иш топиб бермоқчи бўлганлар фирибгардан бошқа нарса эмас.

Тавсия: ҳеч қачон ҳали сизга кўрсатилмаган хизмат учун олдиндан пул тўламанг. Иш берувчиман, деганларга олдиндан пул берманг!



Телефон фирибгарлари

Интернет фирибгарлардан фарқли томони улар карта маълумотларингизни телефон орқали олмоқчи бўлишади.

"Янги қонунлар"

Бу қандай ишлайди: "Давлат доим ғамхўр" деган тушунчага ишонган одамларни алдамоқчи бўлишади. Масалан, кекса пенсионерга кўнгирик қилиб,

пенсия ҳисоблашнинг янгича усули жорий қилинган, давлат бирон байрам ё бошқа сабаб билан пенсионерларга ғамхўрлик кўрсатмоқчилиги айтилади. "Пенсиянгни бир неча ой аввал ошган экан, сизга кам тўлашибди, қолган маблағ фалон сўм бўлди, карта рақамингиз ва СМС-кодни/паролни айтинг" дейишади. Ё бўлмаса янги солиқ ставкалари жорий қилинган, шу сабабли ортиқча ушлаб қолинган солиқларни давлат қайтариб бермоқчилиги баҳона қилинади. Хуллас, сиз хурсанд бўлиб маълумотларни берасиз ва тамом...

Тавсия: давлатдан бир сўмини қайтариб олиш осон эмас, бу анчайин бюрократик машина. Шу сабабли бирдангизга сизга ҳеч бир маълумотномасиз, ҳисоб-китобларсиз пул қайтариб беришларига ишонманг. Маълумотларни берманг. Молия бўлими, "райсобеб", хуллас, ваколатли органларга кўнгирик қилиб аниқлаштиринг.

"Блокланган" карта

Бу қандай ишлайди: банк оператори кўнгирик қилиб, бирон баҳона билан карта маълумотларингизни сўраб олмоқчи бўлади. Масалан, дейди: "Мен банкданман, сизнинг ҳисоб рақамингиздан катта миқдорда пул ечиб олмоқчи бўлишди, биз бу ҳаракатни тўхтатиш учун картангизни блокладик. Энди карта ва ҳисобрақам ростан ҳам сизники эканини текширмоқчимиз, шундан кейин картангиздан блок ечилади. Исмнингиз, фамилиянгни, карта рақамингиз ва паролингизни айтиб юборинг" дейилади. Сиз, албатта, шошиб қоласиз, картангизга дахл қилмоқчи бўлган тўқима фирибгардан газабланасиз, "ғамхўр банк ходими"дан миннатдор бўласиз, уни дўст билиб, маълумотларни айтиб қўясиз. Паролни айтишингиз билан фирибгар телефонини ўчиради. Қайтиб у рақамга боғлана олмайсиз, чунки ё яширинган рақамдан, ё хорийжий компания рақамидан ё интернет орқали кўнгирик қилган бўлади. Ҳисобингиз эса, табиийки, бир неча дақиқада бўшатилади.

Тавсия: банкда сизнинг шахсий маълумотларингиз бор, картани очтираётганда паспорт маълумотларингизга киритангиз. Шунингдек, карта рақамингизни ҳам билишади. Шу сабабли бунақа маълумотларни сўраганлар банк ходими бўлиши мумкин эмас. Сиз ҳам ақллироқ бўлинг, илож борида суҳбатни чўзинг, қарши саволлар беринг, масалан, қайси филиалдан қилиясиз, филиал рақамини бера олмасизми, раҳбарингизнинг исми нима, картани қачон очтирган эканман ва ҳ.к. Минг учига чиққан фирибгар бўлса ҳам, саволларингизга бирон жойда нотўғри жавоб беради ё иккинчи саволингизнинг ўздаёқ трубкини ташлаб қочади. Телефон орқали картани блокдан ечиш мумкин эмас, бунинг учун ё иловага кириш ё банкка шахсан боришингиз керак. Ишонманг!

"Фойдали омонатлар"

Бу қандай ишлайди: кўнгирик қилиб, сиз миқдори бўлган (картангизни олган) банкда омонатларга катта фойзалар берилаётгани айтилади. Масалан, "бугун 50 минг сўм пул қўйсангиз, уч кунда 500 минг сўм қилиб оласиз, бу байрам муносабати билан акция" дейилади. Пулни ҳозирок бирон ҳисоб рақамига ўтказишингиз кераклиги, шунда сизга СМС-хабарнома келиши, уч кундан кейин кўпайган пулингизни шу баҳорнома кўрсатиш орқали олишингизни айтишади. Албатта, карта рақамингиз сўраб олинади. Сиз 50 минг қичкина пул-ку деб ўйлаб айтилган жойга ўтказасиз. Шу пайт СМС-код келади. Фирибгар СМС-кодни сўрайди, рўйхатга киритиб қўямиз, уч кундан кейин шу кодни айтсангиз, пул тушириб берилди, дейди. Айтасиз. Шу билан санокли дақиқаларда картадан қолган пуларингизни ечиб олишади.

Тавсия: ҳеч қачон банклар пуларини бунақа соғуришмайди. Бир суммани олиб қисқа муддатда бир неча баравар кўпайтириб берадиган банк йўқ, Ишонманг!

Умумий тавсиялар

1. Янги, нотаниш рақамдан келган СМС ё телеграм хабардаги ҳавопаларга кирманг.
2. Нотаниш қисқа рақамларга СМС-хабар жўнатманг, бу жуда қиммат хабар бўлиши мумкин, рақамингиз балансидан пул ечиб, катта қарзга киритиб қўйишади.
3. Телефон орқали шахсий маълумотларингизни берманг.
4. Телефон қилиб бирон яқинингиз қийин аҳволга тушиб қолгани, унга зудлик билан ёрдам, пул кераклиги тўғрисидаги хабарларга ишониб катта маблағларни турли пластик карталарга ўтказманг. Аввал ўша танишингиз, дўстингиз ё яқинингизга кўнгирик қилиб кўринг.
5. Пароллар ва бошқа шахсий маълумотларни телефонда, телеграмда, электрон почтада сақланманг. Барча маълумотларни бир жойда сақлаш — яхши эмас. Телефондан маълумотларни ўғирлаш қийин ҳам эмас.

МУНТАЗАМ КУЗАТИНГ!

Ҳаётда сиз дуч келадиган саволлар, уларнинг ечими газетамиз саҳифасида



УКАМНИНГ КОНТРАКТ ПУЛИНИ ТЎЛАДИМ, АММО...

— Укам олий ўқув юртида ўқийди. Мен унинг контракт пулини тўлаб бердим. Солиқдан 12 фоизлик имтиёздан фойдаланиб, шу миқдордаги пулни қайтариб олиш учун солиқ идорасига борсам, бу имтиёз фақат ота-онага берилишини айтишди. Шу тўғрими, ака укасининг контракт пулини тўласа, имтиёз йўқми?

Мухамед Сапаров,
Қорақалпоғистон Республикаси
Чимбой тумани

— Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 378-моддасига асосан олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларга солиқ солинмайди. Унга кўра, фуқаро ўзининг контрактга, ота-оналар 26 ёшга тўлмаган фарзандининг контрактга, 26 ёшга тўлмаган эр ёки хотин турмуш ўртоғининг контрактга пул ўтказса, Сиз айтган имтиёздан фойдалана олади. Лекин ака-укаси, опа-синглиси, келини ёки бошқа шахсларнинг контракт учун иш ҳақидан тўлов ўтказилса, ҳеч қандай имтиёз қўлланмайди. Демак, қонунчилигимизга кўра, бундай ҳолатда Сизга имтиёз берилмаган.



ЕР СОЛИҒИ УЧУН ИМТИЁЗИМ БОРМИ?

— II гуруҳ ногирониман. Ер солиғига шу пайтгача пул тўламас эдим. Бу йилдан II гуруҳ ногиронлари ҳам ер солиғи учун пул тўлаши керак, деб пул олишаяпти. Шу тўғрими?

Анвар Авлиёев,
Зангиота тумани

— Мамлакатимиз солиқ қонунчилигида ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар

меҳнатидан фойдаланадиган қорхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 436-моддасига мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.




СОЛИҚДАН ҚАРЗДОРЛИГИМИЗ БОР ЭКАН

— Солиқ идорасидагилар 1 миллион сўм қарздорлик чиқариб беришди. Оиламизда ҳеч ким ишламайди. Бу пулни тўлашга имконимиз йўқ. Нима қилсак бўлади, бу ҳолатда бизга бирор имтиёз борми?

Лобар Кувшинова,

Қорақалпоғистон Республикаси

— Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзлари маълум тоифадаги шахсларга берилиши белгиланган. Масалан, ногиронлиги бор шахслар, пенсионерлар, уруш қатнашчиси бўлган шахслар шундай имтиёзга эга шахслар ҳисобланади. Бунда солиқ имтиёзи берилиши учун тегишли ер ёки мол-мулк ушбу шахсларнинг ўз номларида бўлиши ва имтиёзли шахс эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши лозим бўлади. Агар сиз ҳам мана шундай имтиёзли шахслардан бўлсангиз, солиқ имтиёзлари берилиши мумкин. Аксинча бўлса, солиқ қарздорлигини тўлашингиз керак бўлади.



НАФАҚАДАМАН, МЕНГА КРЕДИТ БЕРИЛАДИМИ?

— Нафақадагиларга банкдан кредит бериларми? Масалан, санаторияга ёки курортга бориш



учун маблағим етмайди. Даволашига ёки дам олишга кредит олиб боришим мумкинми?

Ахтам Мўминов,
Самарқанд вилояти

— Хурматли фуқаро ҳозирги кунда тижорат банкларида кредитнинг бир қатор турлари мавжуд. Масалан, “Истеъмол кредити”, “Ипотека кредити”, “Ёш оилалар учун ипотека кредити”, “Хотин-қизлар учун имтиёзли ипотека кредити”, “Таълим кредити”, “Автокредит” каби бир қатор кредит турлари бор. Нафақадагилар ҳам шунга ўхшаш кредитлардан фойдаланиши мумкин, албатта. Ўзингиз истаган банкка муурожаат қилиб, янада аниқ ва батафсил маълумот олишингиз мумкин.



АФҒОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҚАЙСИ ТРАНСПОРТДА БЕПУЛ ЮРИШИ МУМКИН?

— Афғон уруши қатнашчисиман. Давлат транспортларида бепул юрамиз. Узоққа қатнайдиغان транспортда, масалан Термиз—Тошкент транспортларида мен учун қандай имтиёзлар бор?

Алмардон Бобониёзов,
Сурхондарё вилояти Ангор тумани

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиши тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, куйидаги шахслар шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга:

- Темир йўлларда йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва



Саволларга “Мадад” ННТ
масъул ходими
Исломжон АБДИРАХИМОВ
жавоб берди

келишга) ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан I ва II гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга тақдим қилинади;

- III гуруҳ уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар темир йўлларда чиптанинг эллик фоиз чегирмалари билан йилига бир марта юриш ҳуқуқига эга;
- шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.



ЧАҚАЛОҚҚА ХАМ КОММУНАЛ ТЎЛОВ УЧУН ПУЛ ТЎЛАЙМИЗМИ?

— Оиламизнинг энг кичик аъзоси бор-йўғи 1 ойлик чақалоқ. Шу гўдак учун ҳам коммунал тўловлар тўланадими? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Ўрмонжон Шарипов,
Андижон вилояти

— Коммунал тўловлар дейилганда ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, иситиш тизими ва чиқинди учун тўланадиган тўловлар тушунилади. Чиқиндидан ташқари барча тўловлар ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича тўланади. Агар ҳисоблагич бўлмаса, ҳудудий туман ёки шаҳар ҳокимининг тегишли қарори билан белгиланган тартибда тўлов амалга оширилади. Агар ҳоким қарорида ёш цензи белгиланган бўлса, тўланмаслиги ҳам мумкин.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ КЕЙИНГИ СОНИДА ҚОНУНЧИЛИКДА АЁЛЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОРЛИГИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

АДЛИЯ ТИЗИМИ: БИЗ ОДАМЛАР БИЛАН БИРГАМИЗ! УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

СИРДАРЁ

СИРДАРЁ вилоят “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК Сирдарё туман филиали ҳамда “B-K BUILDING HOME” МЧЖ ўртасида 2019 йил 26 сентябрда субпудрат шартномалари тузилиб, унга кўра, шартномада тарафлар бажарилган ишларини топшириш — қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган сўнг, бош пудратчи томонидан 10 кунлик муддатда субпудратчининг ушбу шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пулни тўлиқ кўчириш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ,

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ СУДГА БОРДИ...

МЧЖ томонидан шартномага асосан 192 миллион 701 минг 848 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса-да, “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК Сирдарё туман филиали томонидан бажарилган ишлар учун 101 миллион 124 минг 352 сўм маблағ тўлаб берилган холос, қолган 91 миллион 577 минг 496 сўм қарздорликни ундиришда эса тadbirkor адлия кўмағига таянди.

Мазкур мурожаат ўрганилганда, “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК Сирдарё туман филиали томонидан ҳисоб-китоб ва тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлик ҳолати 2020 йил 20 январь ҳолатига тузилган солиштирма далолатномада ҳам ўз тасдиғини топди. “B-K BUILDING HOME” МЧЖ томонидан бир неча бор қарздорликни қоплаш тўғрисида мурожаат қилинишига қарамадан, қарздорлик тўлаб берилмаган.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида шартномани имзолаган тарафлар ўртада тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт эканлиги кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Оқолтин туман адлия бўлими томонидан “B-K BUILDING HOME” МЧЖ манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Натижада суд қарори билан Сирдарё вилоят “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК Сирдарё туман филиали ҳисобидан “B-K BUILDING HOME” МЧЖ фойдасига 91 миллион 577 минг 496 сўм қарздорлик ундириб берилиши белгиланди.

Ҳоқимбек ЭРКАБОВЕВ,
Оқолтин туман адлия
бўлими бошлиғи

НАВОИЙ

ЎҚИТУВЧИНИНГ МУРОЖААТДАН МУДДАОСИ НИМА ЭДИ?

ТОМДИЛИК С.Абдуллаев ҳудуддаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби унга қонунда белгиланган пул маблағини тўлаб бермаётганидан шикоят қилиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилганда, у ҳақиқатан ҳам, 2020 йилнинг сентябрь ойидан буён Томди туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ишлаб келаётганлиги, унга 2021 йил 1-20 март кунлари Тошкент шаҳрига ўқув машғулотларида иштирок этиш учун 890 минг сўм хизмат сафари харажати, 2021 йил 12-18 апрель кунлари ўқишга қатнашиш учун кетганлиги сабабли 3 миллион 448 минг сўм ойлик иш ҳақи ва 2021 йил 21 июндан 18 августга қадар меҳнат таътилига чиққанлиги учун 2 миллион 448 минг сўм таътил пули, жами 6 миллион 825 минг сўм тўлов тўланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 154-моддаси, биринчи қисмида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақи белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги қайд этилган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 133-моддасида барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишляётганларга ҳам, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътили берилиши белгиланган.

Бундан ташқари, кодекснинг 149-моддасида ходимлар ўқиш билан боғлиқ таътил олиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 250-моддасида эса таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийётганларга йиллик таътиллари иш берувчи уларнинг хоҳишига кўра имтиҳонлар ва лаборатория-имтиҳон сессиялари вақтига тўғрилаб бериши шарт эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори номига С.Абдуллаевга тўланмасдан қолган 6 миллион 825 минг сўм тўловни тўлаб бериши юзасидан тақдимнома киритилиб, мурожаат ижобий ҳал этилди.

Ориф НАСИРОВ,
Томди туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНГАН

ТўРАҚҮРҒОН тумани “Катта қўрғонча” маҳалласида яшовчи фуқаро У.Мамаджонова тумандаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактабида котиба вазифасида ишлаган. Тўғруқ таътилидан сўнг ўз лавозимига қайтиш учун жорий йил август ойидан бери ҳаракат қилаётган бўлса-да, натижа чиқмаган. Мактаб иш берувчиси томонидан аризаси рад этиб келинаётганлигидан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

КОТИБА ИШИГА ҚАЙТДИ

Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, фуқаро У.Мамаджонова 2019 йилда ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиққанлиги аниқланди.

Бирок, у туғруқ таътилидан сўнг ўз вазифасига қайтишни сўраб мурожаат қилган бўлса-да, иш берувчи томонидан ишга қайтариш чоралари кўрилмаганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 234-моддаси талабида болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиши, бу таътиллار меҳнат стажига, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам кўшилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 224-моддасига биноан, ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилиши рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши, ҳомилдор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат кодексининг 78-моддасига биноан иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомилдор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — уларнинг ҳомилдорлиги ёки боласи борлигини вақт кўпиб) ишга қабул қилишни тайинловчи равишда рад этишга йўл қўйилмайди, деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, адлия бўлими томонидан киритилган тақдимнома натижасида фуқаро У.Мамаджонова ўз вазифасига ишга қайтди.

Фароғат РАЗЗАҚОВА,
Тўрақўрғон туман адлия
бўлими бошлиғи



ХОДИМ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

БУХОРО шаҳрида яшовчи Шухрат Набиев “my.gov.uz” ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 2021 йил 4 октябрь куни 37527803-сонли ариза билан мурожаат қилиб, ҳонадондаги сув ҳисоблагичини қиёсловдан ўтказиш учун ечишни сўраган, ammo унинг мурожаати эътиборсиз қолдирилган. Ишга адлия аралашувидан сўнг ҳам белгиланган муддат ҳеч қандай сабабсиз кечиктирилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори билан тасдиқланган “Ичинлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қиёсладан ўтказиш ва ўрнатилган бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маммурий регламенти” 22-бандида таъминотчи корхона ва бюро ходимлари сўровнома келиб тушганидан сўнг 5 иш куни ичида талабгор билан

келишиб, далолатнома тузган ҳолда ҳисобга олиш ускунасини ечиб олиши белгилаб қўйилган.

Талабгор ҳисобга олиш ускунасини қиёсловдан ўтказиш учун мурожаат қилганда, ҳисобга олиш ускунаси таъминотчи корхона томонидан далолатнома билан бирга метрология хизматига топширилди.

Регламентнинг 23-бандига асосан, талабгор ёки унинг вакили келишилган вақтда ва манзилда бўлмаган тақдирда мурожаат кўрмасдан қолдирилади. Ёки талабгор томонидан ҳисоблагич ўрнатиш учун жойининг хозирланмаганлиги, назорат винтели мавжуд эмаслиги таъминотчи корхона ва Бюро томонидан ушбу камчиликлар бартараф этилгунга қадар мурожаатни кўрмасдан қолдиришига асос бўлади.


Мурожаат кўрмасдан қолдирилганлиги ҳақида таъминотчи корхона ва Бюро

масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган хабарнома тузилиб, тегишли давлат хизматлари марказига ёки талабгорга ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилиши керак.

Юқоридагиларга кўра, “Бухоросувтаъминот” МЧЖ метрология бўлими бошлиғи Б.Пўлатовнинг хатти-ҳаракатларида Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги маълум бўлди. Шаҳар адлия бўлими томонидан Давлат хизматлари агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи номига киритилган тақлиф қўриб чиқилиб, қонунбузилишига йўл қўйган масъул ходимга жарима тайинланди.

Махбуба МАХКАМОВА,
Бухоро шаҳар адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМОҚДА?



Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида солиқ имтиёзлари бериш ва уларни қўллаш билан боғлиқ бир неча ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда қонунчилик тизимида бир қатор солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилиши белгиланган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларида мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган;
- боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар жисмоний шахслардан олинган ер солиғидан озод қилинади. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн саккиз ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;
- икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналарнинг меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридоғи (1 159 020 сўм) даромадлари солиқ солишдан озод этилади. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади.
- Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади.

Юқоридагилардан ташқари, 2021 йил 14 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди ва янги солиқ имтиёзлари жорий этилди. Унга кўра:

- Солиқ кодексининг 99-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, Давлат солиқ қўмитаси солиқларни, шунингдек айланмадан олинган солиқни белгиланган тартибда мол-мулкни гаровга бермаган ҳолда, кафиликсиз ёки банк кафолатисиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланди, шунингдек, даромад солиғи, ижтимоий солиқ, тўлов манбаида олинган фойда солиғи бундан мустасно.
- Солиқ кодексининг 100-моддасига киритилган қўшимчага кўра, фаолиятни 3 йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираётган, солиқларни ўз вақтида тўлаган, аммо молиявий аҳоли солиқ қарзини муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаган манфаатдор шахсларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.
- Солиқ кодексининг 378-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал (касб-хунар макталари, коллежлар ва техникумлар) ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун йўналтирилган даромадлари солиққа тортилмайди. Илгари ушбу имтиёз фақат олий таълим бўйича таътиқ этилган.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ДАРОМАДЛАРИ СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ?

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга берилган моддий ёрдам суммалари — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;
- Солиқ кодексининг 377-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, — солиқ даври учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг — 4,22 бараваригача миқдорда;

2) солиқ агенти томонидан қуйидаги йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қўллаш суммалари:


- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан ушбу иш берувчида ишламайдиган ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқ ёки қисман қўллаш суммалари;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшгача болалари (ўқийдиганларга — ўн саккиз ёшгача) учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қўллаш суммалари;

3) ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса — унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишидан озод қилинади;

4) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмағида амалга оширилган бўлса ва бошқалар.

Жамиятда қонунларнинг ўрни ниҳоятда беқийс ҳисобланади. Қонунлар қанчалик ғалати бўлмасин, уларнинг ҳар бири ўз мамлакатига хосдир. Айнан шу ўзига хослик билан мамлакатлар бошқаларидан ажралиб туради. Биз ҳамма қонунларни қабул қилишимиз шарт эмас, лекин дунёда қандай қонунлар борлигини билиб қўйиш зарар қилмайди. Қуйида мана шундай ғалати қонунлар билан танишамиз:



АҚШнинг Аризона штатида кактусларни кесиш ноқонуний ҳисобланади. Кактус кесган ҳуқуқбузарлар 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Австралияда кабутарлар қонун билан ҳимояланган. Хонаки кабутарларни тутиш, жароҳатлаш ёки ўлдириш ноқонуний ҳисобланади. Айбдор деб топилганлар 250 АҚШ доллари миқдорига жазима тўлашади.



Ғарбий Австралияда бир вақтнинг ўзида эгаллик қилиш мумкин бўлган максимал картошка

Дунё давлатларидаги ғалати қонунлар ҳақида нималарни биламиз?

миқдори 50 килограмм ҳисобланади. Ундан ортиғи ноқонуний ҳисобланади ва жаримага сабаб бўлиши мумкин.

Нафақат Хитойда (*Хитойда яқинда уч нафар фарзандли бўлишга руҳсат берилди*), балки **Ҳиндистоннинг Керала штатида** ҳам аҳоли сонининг ўсишини назорат қилиш учун махсус қонун қабул қилинган. Учинчи марта фарзанд кўрсангиз, 10000 рупия жарима тўлайсиз.

Суданда аёллар учун қатъий кийиниш қоидалари мавжуд бўлиб, улар қонуний равишда кўйлак кийишлари ва ҳар доим сочларини ёпиқ тутишлари шарт.



Австралияда тўй ва дафн маросимлари эгаларни ҳеч қачон безовта қилинмаслиги керак. Бундай қилиш нафақат барча ижтимоий тадбирлардан четлатилиши, балки 10 000 доллар жарима, ҳатто икки йиллик қамоқ жазосини англатади.

Сингапурда сақич чайнаш қатъиян тақиқланган. Шу сабабли бу мамлакатда сақич савдоси йўлга қўйилмаган. Ушбу қонун жамоат жойларини тоза сақлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Туркменистонда:

Собик президент С.Ниезов ўз мамлакатига ҳар хил оғир касалликларга чалинишни “тақиқлаган” эди. Унинг ўрнини эгаллаган Г.Бердимухамедов замонавийроқ йўл сиқатида ўша маълумотларни очиклашга тақиқ қўйди. Шунинг учун бугунги кундаги “статистик маълумотлар”га кўра, туркменлар “энг соғлом” одамлардир.



Туркменистон ҳукумати ўз фуқароларининг чет элга чиқишини қатъий тақиқлаб қўйган. Барча мансабдор шахслар, ҳаттоки давлат сирларини билиш имконига эга бўлмаган 40 ёшгача бўлган одамлар мамлакатдан чиқиб кетиши ман этилган.

Мамлакатда миллий валюта: тангалар ёки қоғоз пулларни оёқ билан босиш тақиқланган, чунки пулларда миллий қаҳрамонлар тасвирланган. Мамлакатда кўчмас мулк бозори чекланган ва маҳаллий манатни бошқа валюталарга алмаштириш қийин.

Газеталарни уларда раҳбарларнинг портрети бўлишидан бошқа мақсадларда ишлатиш тақиқланган. Қонуннинг ижросини текшириш учун Г.Бердимухамедовнинг шахсий буйруғига биноан полиция рейдлар ўтказган.

ШАХМАТ биринчи марта милодий 570 йилларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Ўша вақтларда ёзилган деярли барча манбаларда шахмат ҳақида ёзиб қолдирилган.

ШАХМАТ ТАХТАСИГА ҚАНЧА БУҒДОЙ СИҒАДИ?

Ривоят қилинишича, шахматни ихтиро қилган браҳман роҳиб шохга дарс бериб қўймоқчи бўлибди. “Сиз қанчалик муҳим инсон бўлсангиз ҳам, одамларингиз, вазириларингиз, аскарларингиз бўлмаса умуман аҳамиятсиз бўлиб қоласиз”. Шох унга қараб: “Яхши, ўйининг, дарсинг менга ёқди. Тила тилагингни. Ҳаммасини муҳайё қиламан,” — дебди. Роҳиб шу дарсдан кейин ҳам шох ибрат намаганини кўриб: “Мен ўйлаб олган бу ўйин тахтасининг биринчи катаги учун сиздан БИР ДОНА БУҒДОЙ сўрайман,” — дебди. Шох ҳайрон бўлиб турганини кўргач, сўзларида давом этибди: “Иккинчи катаги учун икки дона буғдой, учинчи катаги учун тўрт буғдой беринг. Кейинги

хар бир катак учун бир аввалги хона учун олган буғдойининг икки баробари буғдой истайман. Менга шу етади”.

Шох шундай буюк ва қудратли ҳукмдордан арзимаган буғдой сўраб уни пастга урган роҳибдан жahlчи чиқди. Унга яхши бир дарс бериб қўйиш учун вазирага буюрди: “Ҳисоблаб у айтган буғдойдан бир дона ҳам ортиқча берманг!”

Мулозимлар ҳисоблашни бошлашибди. Дастлаб иш анча осон кечибди. Биринчи катакка бир дона буғдой, иккинчи катакка икки дона буғдой, учинчи катакка тўрт дона буғдой... Учинчи катакка келишганда бериладиган буғдой доналари сони 1023 чиқибди. Бу эса бир икки ҳовуч буғдойни ташкил қиларди. Ҳисоб-китобни осон кечади

деб ўйлаган сарой амалдорлари роҳибни арзимаган буғдой билан жўнатиб юборамиз, деб ўйлашганди. Чунки 15-катакка келганда унга бериладиган буғдой миқдори атиги 1,5 килограмм атрофида эди. Фақат улар анча хом ҳисоб-китоб қилишганди. 25-катакка келганда бериладиган буғдой миқдори 1,5 тоннага етганди. Улар 31-катакка келишгандагина бу иш улар ўйлаганчалик осон ва аҳмоқона эмаслигини тушуниб

етишди. Чунки уларнинг роҳибга берадиган буғдойи 92 тоннага чиққанди.

Ҳисоблашда давом этишди. 49-катакка келишганда роҳиб оладиган буғдой миқдори 24 МИЛЛИОН тонна эди!!! Ҳисоб 54-катакка келди. Аҳвол тобора ёмонлашиб борарди. Шохнинг қарзи 771 миллион тоннага етиб борди. Бу рақам бугунги кундаги ўлчовлар билан бутун дунёда етиштириладиган буғдойнинг бир ярим баробарига тенг

келади. Сарой мулозимлари ҳисоб-китобни охирига етказиб қўйишга аҳд қилишибди ва 64-катакка қадар ҳисоблашибди. Яқиний ҳисоб шунчалик улканки, бугунги ўлчовлар билан 1500 йилда бутун дунёда етиштирилган буғдой миқдори ҳам бунга етмасди. 18.446.744.073.709.551.615 дона буғдой. Тасаввур қилаёйсизми? Донулар бир дона дон ичига бутун дунёни жойлайди, деб шунга айтишади.



ЭЪЛОНЛАР

Адвокат Бобоев Аскаралӣ Отабековичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиясининг амал қилишини тугатиш ҳақидаги аризага сабабни унинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 107-А-ш-сонли буйруғига асосан тугатилади.

Адвокат Аширов Джурвайф Артекович вафот этганили сабабни унинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 108-А-ш-сонли буйруғига асосан тугатилади.

кент вилояти адлия бошқармасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 108-А-ш-сонли буйруғига асосан тугатилади.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15⁻моддаси ҳамда Қашқадарь вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 26 ноябрдаги 13-сон йилгилиш қарорига асосан Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланишчи нотариус Кенжаева Матлуба Нурмаҳаммадовага (лицензия KS 0028, 2020 йил 27 апрель) адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариат фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиянинг амал қилиши 15 кун муддатта, яъни жорий йилнинг 1 декабрь кундан 2022 йилнинг 1 апрель кунига қадар тўхтатилди.

жорий йилнинг 1 декабрь кундан 16 декабрь кунига қадар тўхтатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15⁻моддаси ҳамда Қашқадарь вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 26 ноябрдаги 13-сон йилгилиш қарорига асосан Қосон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланишчи нотариус Розиков Нуралӣ Туревичга (лицензия KS 0046, 2020 йил 27 апрель) адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариат фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиянинг амал қилиши 4 ой муддатта, яъни жорий йилнинг 1 декабрь кундан 2022 йилнинг 16 декабрь кунига қадар тўхтатилди.

1 апрель кунига қадар тўхтатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15⁻моддаси ҳамда Қашқадарь вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 26 ноябрдаги 13-сон йилгилиш қарорига асосан Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланишчи нотариус Унгбаева Раъно Таштемировнага (лицензия KS 0027, 2020 йил 27 апрель) адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариат фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиянинг амал қилиши 15 кун муддатта, яъни жорий йилнинг 1 декабрь кундан 16 декабрь кунига қадар тўхтатилди.

<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Омина Абдулпатаховага ониси Шахло АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.</p>	<p>Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ва Нотариал палатанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоаси М.Ўлғбек туманида хусусий амалиёт билан шуғулланишчи нотариус Моҳира САДИКОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихор этади.</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Омина Абдулпатаховага ониси Шахло АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг масъул ходими Омина Абдулпатаховага ониси Шахло АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.</p>

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

1538 2030-7897

4772030789780084

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқолов Акбар Жўрабоевич

Рабиев Шерзод Миржалилович

Тожиёв Фурқат Шомуродович

Искандаров Ербек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўлемзалар тахрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Навбатчи Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Тахририятга келган кўлемзалар тахрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Навбатчи Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табқаж ҳамда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюмда chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000
Буюртма — V-4957

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 20:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



Сайд АҲМАД

БИР ТОМЧИ СУВ

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиларди. Тўрт қиз, уч ўғилни оёққа тургазди. Ўғилларини уйлантирди. Қизларини чиқарди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди. Кўз юмаётганида "ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман", деди... Қарашса, кафанлиги йўқ экан...

ГУМРОҲ БАНДАЛАР

Одамларга ҳайронсан. Ота-онаси тирклигида икки оғиз ширин сўзни текинга айтмайди-да, улар ўлганидан кейин минг-минг пул сарфлаб, ўша сўзларни қабртошга ёздириб қўяди...

"ТУТИНГАН" ЎҒИЛ

Амал курсисиди ўтирганида ким энг кўп товонингни яласа, курсидан тушганида ўша биринчи бўлиб сендан юз ўгиради, деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим.

Бир қадрдоним бор эди. Кунора кўнгирик қилиб, ҳафтада келиб турар, шифохонага тушиб қолсам, "овора бўлманг", дейишимга қарамай ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагида дам олмай, топиб борар, "бир чўқимгина" ош қилмаса, кўнгли жойига тушмас эди... Буниси ҳам майли, икки гапнинг бирида "мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз", деб, Худони ўртага солиб қасам ичарди...

Мансабим жиндай ўзгарган эди, "болам"ни йўқотиб қўйдим. Суриштирсам бошқа ота излаб юрган экан...



Ўткир ҲОШИМОВ

ВИЖДОН



— Ҳеч ўргана олмаяпман-да, устоз, — деди ёш домла кекса алломага.

— Кўзимга жавдираб қараб турса, бунинг устига "контракт" да ўқиса...

Қандай оламан?

— Сенга нима халақит беряпти?

— Виждон қийналяпти...

— Ҳечқиси йўқ, — деди кекса

домла. — Мендаям бошида шундай

бўлган. Виждон деганлари аввал қий-

налади... ёмон қийналади... жон азо-

бида ўзини у ёқдан-бу ёққа уради...

Охири... ўлади бечора. Ана ундан

сўнг мазаза қилиб яшайсиз, шогирд...

Нуриддин ЭГАМОВ

НОТАНИШ ҚИЗ

У бу қизни танимасди. Шунчаки табассуми ёқарди унинг. Ҳар куни эрта тонгда шохбекат томон юраркан, бу гўзал табассум соҳибасига бир нигоҳ ташламай ўтмасди. Кунлари фараҳбахш эди. Қайтаётганида ҳам ўзига қадрдон ойнани узоқдан мўлжалга оларди. Яна фусункор табассум... Қанчалар бахт!

Бир куни ва, ниҳоят, у қатъийлашди. Муюлишдан гул сотиб олди-да, ўша қадрдон дераза томон дадил юрди. Ўша гўзал табассум. Гулларни узатар экан...

— Уэр, қизим тугма ногирон, — ёш тўла кўзлари билан табассум қилди она. — Унинг кўллари йўқ, Гулларни муштипарга тутқазса бўларди, қимматга олгани миясида ярқ этди.

ЎХШАШЛИК

Бобо хурсанд! Тишлари йўқ оғзи билан бир қулгу. У қўлидагини қаттиқ сиқанча илдам юриб борарди. Оз қолди етишига. Аммо ҳар сафар узоқдан кутиб оладиган набираси негадир кўринмасди. "Ҳаҳ, зумраша, ўйин билан андармон, шекилли! Худди ўзим, омон бўлгур".

Остонадан ҳатларкан, келинининг етти маҳалла эшитиладиган овозидан тўхтаб қолди:

— Бобонга ўхшамай ўл, ивирсиқ!



Аллома ҲАКИМОВА

